Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
7 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 96-97
(12.420-421)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ЭРТАГА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида юртимизда янги ижтимоий тузумга ўтиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг пухта ва аниқ ишлаб чиқилган қоидалари ҳамда асосий йўналишлари белгилаб берилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир...

Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдики, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин. Шу маънода, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади".

Ишлаб чиқилган тараққиёт йўли Конституциямизга асосланган дир. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос ва бетакрор хусусиятларини кўрсатувчи Асосий Қонуни – Конституцияси бўлади. Жамиятни умумбашарий қадриятлар асосида ташкил этишда унинг аҳамияти беқиёсдир. Асосий Қонун ўз моҳиятэътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, фаолиятини ташкил этишнинг мезоний қоидалари ифода этилади.

Ҳуқуқий давлат Конституция ва қонунлар устуворлиги мустаҳкам нуфузга эга, ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатлари бўлиниш тамойили асосида ташкил этиладиган демократик давлатдир.

(Давоми 2-бетда).

ЭКОЛОГИК ТОЗА АВТОМОБИЛЬ – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент автомобиль йўллар институтида транспорт экологиясининг ҳуқуқий асослари, бу борада Конституциямизда белгиланган тамойилларни ҳаётга татбиқ этишнинг аҳамияти ва самараларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, тадқиқотчилар, талабалар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ў. Отақулов, Тошкент автомобиль йўллар институти ректори И. Икромов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда Конституциямиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Бош Қомусимизда белгиланганидек, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланишга муносиб ҳисса қўшиш – барчанинг бурчи.

Бу эзгу тамойилларни ҳаётга тўла татбиқ этиш мақсадида мамлакатимизда ўндан зиёд қонун қабул қилинган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юртимизда экологик мувозанатни яхшилаш борасида ижобий натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётир. Автотранспорт воситаларининг экологияга зарар етказишининг олдини олиш бўйича бажарилаётган чора-тадбирлар ҳам бунда алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 14 декабрдаги Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Жумладан, автомобиль ишлаб чиқариш саноати корхоналари модернизация қилинди, "Евро-2" ва "Евро-3" талабларига жавоб бермайдиган автотранспортларни юртимизга олиб кириш тақиқланди. Бу эса ҳавога зарарли газлар чиқарилишини камайтириш, экологик мувозанатни яхшилашга хизмат қилаётир.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари ва Тошкент автомобиль йўллар институти инновацион технологиялар ва экологик новациялар маркази олимлари томонидан бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни қисқартириш бўйича махсус илмий-амалий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Анжуманда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, экологик қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, транспорт экологиясининг долзарб масалаларига оид маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида амнистия актининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмунмоҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни – аёлларни; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шу билан бир қаторда Сенат қарорида яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги актнинг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

Сенат ўзининг қарори билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қўлланиш тартибини белгилаган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартибтаомили баён этилган. Бунда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия акти қўлланилиши, шунингдек амнистия актини қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ижтимоийга қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишига қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджетини кўриб, тасдиқладилар. Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга тушаётган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қулай шароитлар яратишга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, ишлаб чиқариш янада ўсишини ҳамда аҳолининг реал даромадлари кўпайишини рағбатлантириш учун зарур бўлган бошқа чораларни рўёбга чиқаришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатнинг 2012 йилги асосий молиявий ҳужжати иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорларини инфляция суръатларидан юқори даражаларда ошириш йўли билан аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашни назарда тутади. Ҳужжат бюджет аҳолига ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтиришга, шунингдек жаҳонда инқироз ҳолатлари давом этаётган бир шароитда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан барқарор ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Кичик бизнес субъектлари жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга тушириш назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6 ва 7-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4-6-бандларининг амал қилиши – муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ.**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 5 декабрь.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қатор лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширмоқда.

Эртамиз давомчиларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ҳаракатларига кўмаклашиш, бизнес ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида жойларда фаолият юритаётган "Ёш тадбиркорлар мактаби" ана шу ташаббус натижасидир.

Мазкур тузилманинг самарали фаолият юритишида вилоятдаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тижорат банклари билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани қўл келмоқда. Айни пайтда вилоятнинг 18 та туман ва шаҳрида фаолият юритаётган "Ёш тадбиркорлар мактаби"да 500 нафардан зиёд иштиёқманд йигит-қизлар кичик бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид ўнга яқин йўналишда бепул сабоқ олмоқдалар. Шу билан бирга вилоят кенгаши қошидаги консалтинг хизмати марказига 70 дан ортиқ ёш ўз бизнесини бошқаришга оид турфа масалаларда мурожаат этиб, амалий кўмак олди.

Шерзод МУҲАМЕДОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ •

БЕКОБОД ТУМАНИ

ҚЎШИМЧА ТАРМОҚ

Тумандаги "Далварзин" пахта тозалаш заводида парандачилик хўжалиги иш бошлади. Натижада йилига 4 миллион донадан кўпроқ тухум етиштириш имкони вужудга келди.

Банкнинг 250 миллион сўмлик кредити ҳисобидан амалга оширилган лойиҳа 12 кишини иш билан таъминлади.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

МАҲСУЛОТИГА ХОРИЖ ХАРИДОР

"East west Yangiyol" Ўзбекистон – Германия қўшма корхонаси маҳсулотлари ташқи бозорда аллақачон ўз ўрнини топиб улгурган. Айни пайтда корхона вилоятда етиштирилаётган сабзавот ва кўкатларни қайта ишлаб, тўлалигича Европа давлатларига экспорт қилмоқда.

Корхона хорижлик шериклар ва маҳаллий тадбиркорларнинг сармояси ҳисобидан мева-сабзавотни замонавий усулда қуритиш агрегатлари билан жиҳозланган бўлиб, бу йилги мавсум ниҳоясигача 2,1 миллион АҚШ долларилик сабзавот ҳамда турли кўкат қоқиларини четга сотишни мақсад қилган.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Тумандаги пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ёқуббек" хусусий корхонасида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш лойиҳаси амалга оширилиб, юқори унум билан ишловчи 22 та тежамкор ва замонавий айланма печь ўрнатилди.

Натижада ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсиб, ишчилар 50 кишига етди.

Туманда йил бошидан буён деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича иккита янги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида йилига 13 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

СИФАТИ МИЖОЗЛАРГА МАНЗУР

Тумандаги "Линпласт" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология асосида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Модернизация тадбирлари туфайли мавжуд еттита линия ва тўртта қуювчи мосламанинг янгиланиши ҳисобига корхонада йилига 100 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти яралди. Муҳими, иш ўринлари 50 тага кўпайди. Айни пайтда корхона жамоаси тайёрлаётган халқ истеъмоли моллари буюртмачиларга манзур бўлаяпти.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси бир фоиз бандига камайтирилади. Бу эса тўловчиларнинг ҳар бир гуруҳидан ундириладиган солиқ қисқаришини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатларни кўпайтириш тамойили сақланиб қолишини назарда тутаётганлиги, уларнинг улуши умумий харажатларнинг 58,6 фоизини ташкил этиши алоҳида қайд этилди. Давлат бюджетида таълим, соғлиқни сақлашни молиялашни кўпайтириш, иш ҳақини ва ижтимоий тўловларни ошириш назарда тутилган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бандлик ошишини, аҳоли даромадлари ўсишини, турмуш даражаси ва сифати юксалишини, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Дастурда 2012 йилги инвестиция дастурини, 2011 – 2012 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини, минтақавий инвестиция дастурларини рўёбга чиқариш ҳисобига 2012 йилда 967,5 мингта, асосан қишлоқ жойларда, иш ўринлари ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши кичик корхоналар ва микрофирмалар очиш, хусусий тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш, паррандачиликка, балиқчиликка, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари сонини кўпайтириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда уларни таъмирлаш ишларини жадаллаштириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилишига ёрдам беради.

Сенаторлар давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилгача қисқартиришни назарда тутадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Ўзбекистон йигирма йиллик тараққиёт даврида давлат тузлишини қарор топтириш ва уни ислоҳ қилиш ҳамда ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий принципини рўёбга чиқариш, улар ўртасида самарали ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлар тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятларининг роли ва ваколатларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини босиб ўтганлиги қайд этилди.

Миллий давлатчилигимизни ҳамда мамлакатимиз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш ва қарор топтиришнинг дастлабки йилларида Президентга берилган ҳуқуқлар ҳамда ваколатларнинг бир қисмини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларга бериш соҳасидаги ишлар изчил, тизимли ва кенг қўламли ўзгартишлар доирасида олиб борилди. Чунончи, илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб келган Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозимининг тугатилиши ва ушбу ваколатларнинг Бош вазирга берилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий иш бўлди.

Икки палатали парламент шакллантирилиши билан Президент ваколатларининг кўп қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига берилди ва бугунги кунда унинг томонидан мувафқиятли бажариб келинмоқда.

Сенаторлар ҳозирги кунда кўрилаётган мана шу ва бошқа чора-тадбирларнинг ҳаммаси мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб, босқичма-босқич ҳамда эволюцион йўл билан илгарилаб бораётганлигининг, Ўзбекистон ўз олдига қўяётган узоқ муддатли мақсад – замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторидан жой олиш мақсади рўёбга чиқарилаётганлигининг ёрқин тасдиғи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Олий Мажлис юқори палатасининг вакиллари қайд этганларидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш муддатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилгача қисқартириш мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг объектив реаллигини, мантиқи ва изчиллигини акс эттиради, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларига, шунингдек дунёдаги ривожланган демократик давлатларнинг мутлақ кўпчилигида вужудга келган амалиётга мосдир.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Жабрланувчининг шикояти бўйича жиноий ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш ҳолларини кенгайтирадиган ушбу Қонуннинг асосий мақсади жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштиришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Шундан кейин "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Қонуннинг асосий мақсади пенсиялар миқдорларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўтган йилларнинг иш ҳақларини қайта ҳисоблаш тартибини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйишдан иборатдир.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталаларининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида тайёрланган "Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Хусусан, Қонундаги асосий янгиликлардан бири молия хизматлари бозорларига монополияга қарши тартибга солишни жорий қилишдан иборат эканлиги қайд этилди. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши рақобат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тиниқлиги ва самарадорлигини оширади, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, товарлар эркин олиб юрилиши учун тенг шароитларни, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаб беради, бу эса товарлар ва хизматлар бозорларида рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишнинг асосий жиҳатидир.

Сенаторлар "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонун телекоммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, фойдаланувчилар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, жамият ва давлат қурилишининг ҳамма соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун шароитлар яратишга қаратилган.

Шундан сўнг, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини ижро этиш юзасидан тайёрланган ва қабул қилинган "Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлис давомида "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги "Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида тайёрланган "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

Ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам маъқулланди. Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши солиқ маслаҳати бўйича хизматлар бозорининг ривожланишига, солиқ қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МЕҲНАТГА РАҒБАТ

Янгийўллик Сабоҳат Маҳамбоева 8 йилдан буён тўқимачилик ва бисер тикиш билан шуғулланиб келади. Ишбилармон аёл ҳозир ўз ҳунарини маҳаллий ёшларга ҳам ўргатяпти. У 40 дан ортиқ шогирдларни тарбиялаб, ҳунар эгаси бўлишлари учун ўз меҳнатини аямаётир.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) Сабоҳат Маҳамбоева Зулфия Йўлдошева билан иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Конституциямиз – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг кафолати" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси, марказий кенгаши ҳамда "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилган ушбу тадбирда депутатлар, партия фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

ЁШЛАР ВА КОНСТИТУЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Муҳаммадиев, "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси А. Турсунов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов ва бошқалар Конституциямиз бугунги фаровон ҳаётимизнинг, мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам кафолати эканини таъкидлади. Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Асосий Қонунимизда белгиланган тамойилларга тўла амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолининг, хусусан, улғайиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини юксалтириш, Конституциямиз мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, улар қалбида жамиятимиздаги ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу йўналишда партиянинг "Ёшлар қаноти" аъзолари ўртасида "Конституциямиз – инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетининг кафолати" мавзуида мақолалар танловини ўтказиб келмоқда. Бундан мақсад – навқирон авлоднинг ҳуқуқий ва сиёсий дунёқарашини бойитиш, демократик жамиятни барпо этишда ёшларнинг иштирокини кучайтириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга эришишдир. Тадбирда мазкур танлов ғолиблари эълон қилинди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЎзА.

КЎНГИЛЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими уюштираётган маънавий-маърифий, маданий тадбирлардан бири Оҳангарон тумани саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

"Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзусида матбуот ходимлари, таниқли актёр ва хонандалар иштирокида қизиқарли, самимий мулоқот тарзидаги суҳбат йиғилганларга маъқул бўлди.

– Туманимиз ёшлари бугунги учрашув-суҳбатни мароқ билан тинглашди, – деди коллеж раҳбари Бахтиёр Қаршибоев. – 500 кишилик жамоатнинг кўнглига йўл топиб, мустақил Ўзбекистон, энг олий ҳужжат – Конституция ҳақида, истиқлол неъматлари ҳақида сермазмун, қизиқарли суҳбат ўтказа олиш ҳам бир фазилат. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, иқтидорли хонандаларнинг чиқишлари ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар биз, ўқитувчилар учун ҳам маънавий кўмакдир.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Конституциямизнинг ҳуқуқий давлат пойдевори сифатидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Биринчидан, унда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги расмийлаштирилган. Бу давлат ва жамиятимиз ҳаётининг ҳамма томонлари ҳуқуқий тартибга солингани ва давлат ўзининг бутун фаолиятида ҳуқуққа бўйсуниши билан изоҳланади. Конституциямизнинг 14-моддасига мувофиқ, "давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади". Агар давлат ўз фаолиятини аввало инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлиб, ижтимоий адолат ва қонуний тамойиллар асосида амалга ошириб борса, уни демократик дейиш мумкин. Зеро, инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан биридир. Умуман, Ўзбекистонда давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият кўрсатади.

Иккинчидан, Асосий Қонунимизда Конституция ва қонунларнинг устунлик тамойили ўрнатилган. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган ушбу тамойил Конституциямизнинг 15-16-моддаларида мустаҳкамланган. Жумладан, 15-моддада ўрнатилганидек, "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади". "Конституция ва қонунларнинг устунлиги тамойили шуни англатадики, – дейди давлатимиз раҳбари, – бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади". Демак, Конституция ва қонунлар ҳуқуқий меъёрлар тизимида олий юридик кучга эгадир.

Учинчидан, Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши қонунлаштирилган. Бунда гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинлик, дахлсизлик ва хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Конституциямизга биноан "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" (13-модда).

Ўзбекистон Конституциясининг энг катта қисми – иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари"га бағишланган. Жумладан, 44-моддага биноан "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади".

Конституцияда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи "инсон" эканлиги уни улуғлаш, муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган.

Тўртинчидан, Конституциямизда давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти ҳам ўрнатилган. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бўлган ушбу тамойил, аввало, давлатнинг фуқаро олдидаги масъулиятини назарда тутади. Хусусан, унинг 2-моддасида шундай меъёрлар белгиланган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг қонунлаштирилиши бўлди. Конституцияга биноан, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга масъулдир.

Шундай қилиб, биз Конституциямизнинг мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуришда тутган ўрни ва роли ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик, холос. Бинобарин, Конституциянинг мазмун-моҳиятини қанчалик чуқур билсак, унинг ҳар бир моддаси инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганига, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга хизмат қилаётганига, Ватанимизнинг ҳуқуқий негизлари нақадар мустаҳкам ва барқарор эканига шоҳид бўлаверамиз.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ, Тошкент давлат юридик институти доценти.

(Давоми. Боши 1-бетда).



МОДЕРНИЗАЦИЯ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида уларнинг экспорт салоҳиятини ҳам юксалтирмоқда.

Технологик янгиланишлар туфайли фаолият кўлами кенгайиб бораётган корхоналардан бири Янгийўл туманидаги "Биллур текс"-дир.

Банк киритган 8 миллиард сўмлик сармоя корхона фаолиятини жонлантириш мақсадида мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни олиб кириш учун йўналтирилди.

Швейцариянинг энг илғор технологик линиялари билан жиҳозланган корхонада калава ипдан тортиб тайёр кийим-кечакларгача ишлаб чиқарилаяпти. Ҳозир бу ерда 600 дан зиёд ёшлар, асосан, тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаётган юқори сифатли кийим-кечакларнинг 90 фоизи экспорт қилинаётгани эътиборлидир.

Шукур МУРОДОВ.

«ВАТАН, ОНА ВА ЁШЛИК»

Вилоят Маданият саройи бахтимиз Қомуси – Конституциямизнинг 19 йиллиги арафасида ижодкор ёшлар, истеъдодли болалар билан гавжум бўлди.

Бу ерда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Ватан, Она ва Ёшлик" мавзусида шеърхонлик ва мусиқа кечаси ўтказилди. Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларда Ватанни улуғлаш, фахр ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида уюштирилган тадбир янги-янги иқтидор эгаларини кашф этди. Иштирокчиларнинг чиқишларини ҳакамлар ҳайъати кузатиб, баҳолаб борди.

– Вилоятимизда иқтидорли, изланувчан ёшлар кўп, – дейди "Камолот" ЁИҲ мутахассиси Дилором Абдуғаффорова. – Тадбирда иштирок этган 300 дан зиёд ҳаваскор ёшлар бундан кейинги танловларда ҳам фаол қатнашиш истагини билдиришди.

Ўз мухбиримиз. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

СОҲА ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

Республика Адлия вазирлигида нотариат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, нотариал идоралар нотариуслари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижроси ва бу борада қонунчиликдаги янгилик, ўзгартиш ва қўшимчалар моҳияти атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 104-сонли қарор билан нотариат институтининг инфратузилмаси шакллантирилганлиги, давлат нотариал идораларидаги шарт-шароит яхшиланганлиги, уларнинг моддий-техника базаси янгиланганлиги алоҳида таъкидланди.

"Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун соҳа фаолиятида муҳим ўрин тутганлиги ҳам эътироф этилди. "Нотариат тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан мамлакатимизда нотариал ҳаракатлар республикамизда давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилиши тартиби белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ва уларнинг аҳамияти борасида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди ҳам келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Туркистон-пресс».

ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкентда "Микрокредитбанк" томонидан эълон қилинган "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2011 йилнинг ўтган даврида мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Микрокредитбанк" томонидан 285,9 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Шундан 146,6 миллиард сўми микрокредитлардан иборат бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 31 фоиз кўпдир. 2011 йилда мазкур банк сармоялари эвазига 98 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

"Микрокредитбанк" матбуот хизматидан маълум қилишларича, "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" танловида қатнашиш учун мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларидан тушган аризалар ҳар томонлама ўрганилган. Асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар бўйича қанча иш ўрни яратилишига, молиялаштирилаётган ҳар бир лойиҳа асосида янги маҳсулот ва хизмат тури ташкил этилишини таъминлашга, олис ва меҳнат ресурслари зич туманлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва маҳаллий ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришга, аҳолига сифатли сервис хизмати кўрсатишга қаратилди.

Танлов ғолиблари турли номинациялар бўйича аниқланди. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Асли ГМ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулнора Маҳмудова "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" номинацияси ғолиби бўлди. Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги "Хўжаобод текс ривожи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Собиров "Энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор", Жиззах вилояти Фориш туманидаги "For tex" хусусий корхонаси раҳбари Бозоргул Тўраева "Қишлоқдаги энг яхши тадбиркор аёл", деб топилди.

Ғолиблар банкнинг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театрининг бир гуруҳ ижодкорлари бир ҳафта мобайнида Олмалиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият марказида "Ҳозирги замон шум боласи" спектаклини намойиш этишди.

САҲНАДАГИ ИБРАТ

Спектаклда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли киноактёр Карим Мирҳодиев билан бирга ёш, умидли актёрлар ҳам ролларни маҳорат билан ижро этишди. Шу кунлар давомида маданият маркази театр ишқибозлари билан гавжум бўлди. Карим Мирҳодиев ёшу кексага бирдек манзур бўлган ушбу спектаклнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталар экан, Тошкент вилояти бўйлаб давом этаётган гастроль сафаридан кўзланган мақсад ёзувчи Қурбон Муҳаммад Ризонинг қаламига мансуб ушбу ҳажвий асар орқали ёшларни хайрли ва эзгу ишларга, ҳалол яшашга даъват этиш эканлигини таъкидлади.

МИЛЛИЙ РУҲИЯТИМИЗ ҚУВВАТИ

Тил, дил, эл. Бу улуғ тушунчалар нафақат оҳангдош, балки мазмунан уйғун, руҳан бутундир. Тил – дил кўзгуси. Тили ва дилини муқаддас билган, унга суянган эл ҳамиша кимлигини англаб, ўзгаларга англатиб яшайди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 4-модда).

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ КУРТАКЛАРИ

Ҳали тоталитар тузум ҳукмрон бўлиб турган мураккаб бир шароитда – 1989 йилнинг 21 октябрида республикамиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бундай катта маънавий жасорат халқимиз ҳаётидаги янги миллий уйғониш даврига кенг йўл очди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб, мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторидаги, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Ўтган йиллар давомида она тилимизни тиклаш, унинг давлат тили сифатида ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва таъсирини кучайтириш йўлида улкан эзгу ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўча, хиёбон ва майдонлар, автобус ва метро бекатларига миллий қадриятларимизга мос номлар берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу бугунги ёшларга одатий ҳолдай туюлар, бироқ бутун бошли ҳудудларимиз бир пайтлар номаълум аскарни рақамлагандай "1-, 2-совхоз" дейилгани-ю халқимиз тарихи ва қадриятларига мутлақо алоқаси бўлмаган шахслар номи билан аталгани – ўша давр зўравонлик сиёсатининг пухта ўйланган ҳийлаларидан эди.

– Илгари қишлоғимиз Карл Маркс номи билан аталарди, қаерга бормайлик, туғилган жойимизга кўра марксчилик бўлардик, бир неча маротаба адашиб ё ҳазил-масхара қилибми рўйхатларга марслик деб ҳам ёзишган, – дейди олтинсойлик тадбиркор Алишер Омонтурдиев. – Истиқлол шарофати билан қишлоғимиз номи Алпомиш деб ўзгартирилди. Чиндан ҳам биз овоз илғаганимиздан "Алпомиш" достонини тинглаганмиз, саводимиз ҳам шу достонни ўқиб чиққан. Ор-номус, Ватан шаъни нималигини Алпомишдан ўрганганмиз.

ИСМ – МУҚАДДАС

Муқаддас китобда ёзилишича, нуру оловдан яратилган махлуқотлар қолиб, оддий гилдан бино қилинган Одамнинг барча яратиқлардан устун қўйилгани – унга исм илми (ўзини англаш бахти, нарсаларни номлаш ҳуқуқи) ноил этилгани билан боғлиқ. Зеро, исм – одам тақдирини башорат қилувчи илоҳий неъмат бўлиш билан бирга, инсонга кимлигини, қайси миллатга мансублигини эслатиб турадиган миллий ифтихордир.

Яқинда ўзбек киноижодкорлари томонидан ўтган асрда халқимиз бошидан кечирган қатағон даврининг мудҳиш оқибатлари ҳақида ишланган "Қўрғошин" фильмидаги бир ҳолат эътиборимизни тортди. Фильм қаҳрамонларидан бири Рим Марлен ёқтириб қолган қизи Ольгага ўз исми сиёсий маъноси билдиришини ўзича ғурур билан сўзлайди: "Рим – революция и мир, Марлен – Маркс, Ленин дегани". Ольга эса кесатади: "Яхши ҳам Даздрапервмая (До здраствует первая мая) эмас". Ҳа, "Мэлс", "Маркс", "Нинел", "Клара", "Тельман"лар – собиқ мустабид тузум даврида халқимиз бошдан кечирган фожиаларнинг бир кўринишидир эди.

Бу иллат, афсуски, XXI асрга ҳам мерос бўлиб ўтди. Айтайлик, халқимизда "гул" сўзи билан бошланадиган бир-биридан гўзал исмлар бор: Гулираъно, Гулчеҳра, Гулшода, Гулбаҳор... Бироқ уларни қисқартириб ё олифталаштириб ёппасига "Гуля" аташ, Камолиддину Козимни "Коля", Тўлқину Турсунбойни "Толик" дейиш, шуни замонавийлик, юксак маданият деб билиш – наинки маънавиятсизлик, балки халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

– Паспорт олгунимга қадар гувоҳномамга кўра Улмас Халтаев эдим, мактабда мени гадойнинг халтасидан тушган, деб калака қилишарди, шунинг устидан асабларим бузиларди, – деб эслайди Ўрта чирчиқлик дўстим Ўлмас Холтоев. – Паспорт олаётганимда исмимни тўғрилаб ёзиб олиш учун анчамунча қоғоз тўлдиришга тўғри келди. Ўғлимга гувоҳнома олаётганда нотўғри ёзиб қўйишмасин деб шунчалик ҳаяжонландимки, ФҲДЁ ходимлари "шундай фидойи оталар ҳам бор-а", деб қувонишди. Шу арзимас хатолар туфайли неча йил азобланганимни улар қаердан билсин...

Шунга қарамай, айрим ёш ота-оналар бугун ҳам оқибатини ўйламай, фарзандига хориж сериалларидаги қаҳрамонлар, ғарб шоу-бизнеси хонандалари исмини қўймоқда. Яқинда автобусда бир ёш ота-она билан ёнма-ён келдик. Уларнинг қорасочу қоракўз ўғилчасининг исми – Майкл экан. Сабабини сўрасам, ота собиқ боксчига, она тушмагур америкалик марҳум хонандага мухлис экан. Кўр фанатизм асрий қадрият ва одатларга устун келган чоғи фарзандига мана шу исмни раво кўришибди.

МИЛЛИЙ БРЕНД МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор самарасида бозор расталарию дўкон пештахталари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳаллий маҳсулотлар билан тобора тўлиб бормоқда. Илгари хом ашёю меҳнат ўзимизники бўлгани билан қадоқланган белгида бошқа тилдаги ёзувлар турарди-да. Бугун эса дўконларимиздаги автомобилу холодильниклар, мебеллару спорт жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари қадоғида ягона белги – "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган", "Made in Uzbekistan" деб ёзилган. Бу – хорижга ҳам чиқяпти дегани.

Бироқ айрим тадбиркорларимиз ҳали-ҳануз давлат тили қонун-қоидаларига амал қилмаётгани таассуфлидир. Буни тадбиркорлик субъектига ном қўйишдан тортиб турли рекламанамо ёзувларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, янги фаолият бошлаган кўплаб таомхонаю дўконлар пешонасидаги "Мы открылись" деган эълонни қандай тушуниш мумкин? Фаолият бошланганини нахотки ўзбекона иборалар билан ифодалашнинг имкони бўлмаса?!

Илгарироқ "иштаҳа билан ейинг", деган "маслаҳат" битилган чанқовбосди ичимликлар идишига яна битта антиқа "ўгит" қўшилган: "Илтимос, ифлос қилманг". Бундай мантиқсизлик тадбиркорга қанчалар фойда ё зарар келтиришини билмадигу, бироқ ўзини ҳурмат қилган истеъмолчига оғир ботиши аниқ. Айрим ичкам таомхоналарни "Burger" қўшимчаси билан номлаш ҳам одатга айланди: "Эшмат бургер, Тошмат бургер..."...

ЎЗБЕКОНА БАҒРИКЕНГЛИК

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов "Давлат тили ҳақида"ги қонунни қабул қилиш маросимидаги нутқида ҳар қайси миллат ўз она тилини ҳурмат қилишини, ўзбек тилининг обрўсини юксалтираман деб, юртимиздаги ўзга миллатлар ғурурига, қадри ва шаънига тегиш бизга мутлақо ярашмаслигини таъкидлайди. Ҳа, халқимиз ҳамиша ўзини англашни ўзгалар қадриятига ҳурмат билан бир қаторга қўйган. Бу ўзбекона мардлик, олижаноблик ва бағрикенглик ифодасидир.

Бугун мамлакатимиз умумтаълим мактабларида таълим жараёни давлат тилидан ташқари яна 7 тилда олиб борилмоқда, оммавий ахборот воситаларимиз дунё тилларида эълон қилинмоқда. Бош Қомусимизда кафолатланганидек, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланган, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилган. Ўзбек ёшларининг икки ё уч тилни билиши бугун одатий ҳол.

Бироқ ҳар қандай бағрикенгликда ҳам меъёр бўлади. Шундай экан, "оммавий маданият" худди термитлардек ҳаётимизнинг қўлдизи – дид, эътиқод, фаҳм-фаросат, интеллект, тасаввур ва тафаккурни емиришга уринаётган бир пайтда фарзандларимизни она тилига бўлган муносабатига бефарқ қараш ўз илдизимизга болта уриш билан тенг. Бу халқимиз келажаги, мамлакатимиз эртанги куни обҳавосига боғлиқ масала.

ГЛОБАЛЛАШУВМИ Ё ОЛОМОНЛАШУВ?!

"Бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас", деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида.

Самарқанд шаҳрида ўтган "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро мусиқа фестивалида италиялик машҳур хонанда Аль Бано Карризининг она тилимизда "Мен сени севаман, Ўзбекистон!", дейиши барчамизни қандай тўлқинлантирган бўлса, айрим ёш ижрочиларимиз "асар"ларидаги жаргонлар қоришиқлиги, маъносиз, ғализ ва тутуруқсиз жумларни эшитганда, кўнгил шунчалар хира тортади.

...Ўзбекистон тарихи давлат музейида Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз Конституцияси лойиҳасини ишлаш жараёнига доир икки варақ қоғоз – мўътабар экспонат бор: унда тахрир қилинмаган деярли бирор сатр йўқ. Ҳар гал шу экспонатга кўзим тушаркан, "қани энди ҳар бир инсон ўз оиласининг ҳаёт дастурини тузишда, уни амалга оширишда шундай юксак масъулият билан ёндашса", деб ўйлайман.

Биз ниманики ўйламайлик, бажармайлик, бунинг негизини маънавиятга боғлаб тушунадиган халқмиз. Қалбимиздаги ана шу юксак маънавий кучнинг англаниши, танланиши ва ҳаётда ўзини намоён этишига она тилимиз бетимсол қувват бахш этади. Зотан, ўз ҳаётини умуммиллий қарашлар тизими асосида барпо этган, аждодлардан мерос муқаддас булоқлардан сув ичиб, томир ёзган авлодларни ҳеч қандай куч енголмайди.

Умид ЁҚУБОВ, ЎзА шарҳловчиси.

НУФУЗ САЛМОҒИ ФАОЛЛИККА БОҒЛИҚ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси вилоят Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Фуқаролик жамияти шаклланишида хотин-қизларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида белгиланган вазифалар, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлигини, хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада ошириш ва уларнинг жамият ривожи жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш борасида фикр алмашилди.

Таъкидландики, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Хотин-қизларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароит яратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши, ишлаб чиқариш тармоқлари, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат соҳаларининг ривожи ва самарасини оширишда, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда хотин-қизларнинг мавқеи юксак. Хусусан, хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда, улар давлат ҳокимиятининг барча бўғинларидаги маҳаллий вакиллик органларида, жумладан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, сиёсий партияларда, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Иштирокчилар давлат ташкилотлари ва ННТлар билан ўзаро хамкорликда фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир якунида мавзу бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«ЙИЛ АЁЛИ – 2011»

ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР РЎЁБИ

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашларига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳақидаги Юртбошимизнинг фикрлари "Йил аёли – 2011" танловининг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди десак хато бўлмас. Зеро, жамиятнинг соғломлиги, унинг барқарорлиги кўп жиҳатдан аёлларимизга боғлиқ.

"Соғлом оила – жамият таянчи" дейилганида ҳам, аввало Аёл кўз олдимизга келади. Чунки, оила муҳитини яратувчи аёл – она зиммасидаги масъулиятни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Шунингдек, жамоат ташкилотларида, масъул вазифаларда ҳам фидойилик кўрсатаётган фаол аёлларимиз меҳнати ҳар қанча рағбатга, тақсинга лойиқ. Шу маънода "Аёллар кенгаши" жамоат ташкилоти ўтказаётган "Йил аёли – 2011" миллий танловида иштирок этаётган ҳар бир аёл давримиз қаҳрамонлари дея аталишга муносиб. Бу ҳақда "Аёллар кенгаши" вилоят бўлими раҳбари, вилоят руҳий аномал болалар уйи раҳбари Гулнора Тўхтаназарова шундай дейди:

– Йил аёли танловида иштирок этишни истаган аёлларимиз кўп. 4000 иштирокчининг 31 нафари сараланиб, улардан 11 нафари вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Танлов давомида ҳар бир иштирокчи энг фаол аёл бўла олиш қобилиятини намойиш этди. Улар орасида ўзининг ҳар томонлама сермазмун, қизиқарли чиқишлари билан томошабинлар меҳрини қозонган, олқишига сазовор бўлган Юқори Чирчиқ тумани "Нозима Люкс" хусусий корхонаси раҳбари Гулчехра Ўтбосарова ғолибликка муносиб топилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилини мамнуният билан кутиб олган тадбиркор аёл учун катта маънавий рағбат бағишлаган "Йил аёли – 2011"нинг республика босқичи эса Гулчехра Ўтбосарова учун яна бир синов бўлади.

– Вилоятимиздан чиққан "Йил аёллари" хотин-қизларга бўлган эътибор ва рағбатнинг самарасини кўрсатиб турибди, – деди тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Уларнинг сафи тобора кенгаётгани барчамизни янада фаол, масъулиятли бўлишга чорлайди. Аёллар иштирокидаги ҳар бир тадбирда Юртбошимизнинг фаол хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликларини ҳис этиб турамиз.

Саида РАҲМОНОВА.
Даврон АҲМАД олган сурат.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига ўн тўққиз йил тўлаяпти. У кўпмиллатли мамлакатимиз халқларининг чинакам бахт қомусига айланди.

Ўзбекистон – қадим замонлардан кўпмиллатли бўлиб келган. Араб истилочилари, муғул босқинчилари билан бўлган тенгсиз жангларда турли миллат фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб, юртимизни ҳимоя қилган.

Амир Темур бунёд этган буюк давлатда ҳам турли миллатлар яшарди. Дунёга машҳур умуммаданиятимиз равнақида турли халқларнинг ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Дунёнинг ҳамма бурчакларидан Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларидаги қадимий ёдгорликларни зиёрат қилгани келган саёҳатчилар аждодларимизнинг буюк санъатига тан беришаяпти. Ахир, ўша муҳташам иншоотларни ҳам умумтурк давлатининг халқлари бунёд этганлигини ким инкор эта олади?

Буюк давлат соҳибқирони бўлишига қарамай, Амир Темур ўша даврлардаёқ дунёдаги барча халқлар билан алоқада бўлишни, ҳамкорлик қилишни орзу этган ва бунинг йўлларини излаб топган. Алишер Навоийдек буюк зот ҳам ўз асарларида миллатлар дўстлигини тараннум этган.

Аждодларимизнинг бу борадаги орзулари бугун рўёбга чиқди. Конституциянинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади деб қонунлаштириб қўйилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон кўп миллатли давлат ва бинобарин, барча миллатлар эркинликда ҳам тенгдир. Биз бу билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки, бирбиримиз билан ҳамкорликда, дўстликда давлатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётирмиз. Барча миллатларнинг ўз эътиқодига содиқ бўлиб қолиш эркинлиги ҳам фуқароларимизга берилган эзгу ҳуқуқдир. Конституциямизнинг 31-моддасида ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин деб кўрсатиб қўйилган.

Конституциядаги яна бир моддада ҳар бир шахс мулкдор бўлиши мумкин дейилган. Бугун турли миллатга мансуб мулкдорлар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида меҳнат қилишаяпти.

Конституциямиз ҳақиқий халқчил, фуқароларнинг барча эркинликларини ўз ичига олган, ҳар бир фуқаро учун чинакам бахт қомусидир.

Мирислом БАДАЛОВ,
Тошкент давлат юридик институти "Диёнат" ҳуқуқий-тарғибот гуруҳи аъзоси.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Асосий Қонун сифатида мамлакатизмизда қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга ва бу соҳада эркин ижод қилишга имконият яратиб берди. Уни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа ҳамма қонунларнинг, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори десак муболаға бўлмайди.

Конституциянинг қабул қилиниши ўз навбатида турли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни қамраб олган турли қонунларнинг яратилишига асос бўлди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш деганда, шахснинг Конституцияда курсатилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан амалга ошириш тушунилади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш борасида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари буйича вакили, яъни Омбудсман фаолияти алоҳида ўринга эга. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати, шунингдек, малакали юридик хизмат ва профессионал ҳимоячи, яъни адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятларининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонларга маълум ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларни амалга ошириш учун керакли иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий кафолатлар билан ҳам таъминлайди. Бош қомусимизнинг 43, 44, 45, 46-моддалари айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган.

"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинларини таъминлайди" деб қайд этилган. Ушбу модда конституциявий тамойилларнинг асосий ўзагини ифодалаган бўлиб, унда инсон манфаатларига хизмат қилиш, эркинлик кафолати, давлатнинг ижтимоий мақсади ва асл ғояси акс этган.

Маълумки, Конституциянинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши кафолатланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир.

Фуқаролик процессуал Кодексининг қабул қилиниши ҳам фуқаролик суди ишларини юритиш вазифаларини тубдан ўзгартириб юборди. Конституцияга кўра, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Шундай қилиб, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда ҳам судлар мустақил бўлиб, ҳеч қайси орган унинг фаолиятини назорат қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексида одил судловни амалга оширишга кўмаклашадиган шахслар қаторига мутахассисларнинг киритилиши муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Мутахассислар далилларни текширишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда таклиф этилади.

Ривожланган давлатларнинг суд амалиётидаги ижобий жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексида ўз аксини топди. Жумладан, "Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш" деб номланган янги институт Фуқаролик процессуал Кодексининг 19-бобида ўз ифодасини топди.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти ҳозир кўплаб давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ўз аксини топган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур институтнинг инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари кучайганлигидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз Ватанимиз истиқлоли, ҳурлигимиз тимсолидир. Унда шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари ўз аксини топган. Демак, Бош Қомусимиз ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиши учун энг аввало ҳар биримиз ўз ҳуқуқ ва эркинликларимиз ҳақида етарлича тушунча ва маълумотга эга бўлишимиз лозим. Бунда Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Омина ОЧИЛОВА,
8-давлат нотариал идораси нотариуси.

СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАЙТИШ САОДАТИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилаётган "Соғлом она – соғлом бола" мақсадли дастурини ҳаётга татбиқ этишда "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳам фаол иштирок этаётир.

Мазкур жамғарма томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, хориждаги нуфузли ташкилотлар ва етакчи клиникалар ҳамкорлигида кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг туғма ва орттирилган касалликлар билан хасталанган фарзандларини соғломлаштиришга кўмаклашиш, ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган хасталикларни даволаш борасида амалга оширилаётган қатор лойиҳалар бунга мисолдир.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси ва "Save the Children – Korea" хайрия ташкилоти ҳамкорлигида Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасининг операция хоналарини жиҳозлаш мақсадида қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон келтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг туғма юрак нуқсонли фарзандларини соғломлаштириш, бу операцияларда ишлатиладиган замонавий тиббий воситаларни етказиб бериш режалаштирилган.

Айни кунларда ушбу ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасида туғма юрак нуқсонли болаларни соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Мазкур хайрия тадбири давомида ўттиз уч нафар бемор болани юксак тиббий технологиялар воситасида даволаш кўзда тутилган. Бугунги кунгача уларнинг ўн нафардан зиёди шифо топди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.



ТАДБИР

ИЛЛАТСИЗ УМР ЯХШИ

Тошкент давлат аграр университетида 1 декабрь – ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан турли соҳа мутахассислари ҳамда маҳаллий ёшлар иштирокида суҳбат ўтказилди.

Тадбирда ОИТСга қарши кураш вилоят маркази мутахассислари, Қибрай кўп тармоқли ҳамда Тошкент иссиқлик электр станцияси поликлиникалари шифокор ва ҳамширалари, аграр университет ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, қўшни «Исломобод» маҳалласи ёшлари иштирок этдилар.

Суҳбат давомида мутахассислар ОИВга чалинишнинг аянчли оқибатлари, ундан сақланишнинг йўл-йўриқлари, шахсий гигиена тартиб-қоидаларига оғишмай амал қилиш ҳақида кенг тушунча бердилар. Суҳбат иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Бу йил вилоятда мева-сабзавотни қайта ишловчи илғор минитехнологияларга асосланган 3 та корхона ишга тушди.

МУҚИМ ИШ ЎРИНЛАРИ

Хусусан, Бекобод туманидаги "Зафар-Далварзин" фермер хўжалиги, Янгийўл туманидаги "Ист-вест Янгийўл" қўшма корхонаси ҳамда чиноэлик хусусий тадбиркор Ботир Бобоқуловнинг саъй-ҳаракати билан ишга туширилган технологик линиялар ёрдамида йилига қўшича 4500 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш имкони вужудга келди. Энг муҳими, уларда 70 га яқин янги ва муқим иш ўринлари яралди.

ДАСТУРХОН КЎРКИ НОН БИЛАН

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Матлуботинвестсавдо" масъулияти чекланган жамияти саъй-ҳаракати билан нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган янги цех фаолияти йўлга қўйилди.

Корхонани замонавий технология билан жиҳозлаш учун жамият 153 миллион сўм йўналтирди. Айни пайтда бу ерда 10 киши доимий иш билан таъминланди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарорига асосан Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туман марказларида замонавий турдаги хизматлар кўрсатувчи, тасдиқланган намунавий лойиҳа бўйича "Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари" қурилиши учун танловга қўйилган ер майдонлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Худудлар номи	Манзили	Объектнинг умумий ер майдони (га)
1.	Ангрен шаҳри	Оҳангарон ва Қорабоғсой кўчалари чорраҳаси	1,2
2.	Бекобод шаҳри	С. Раҳимов кўчаси, 11-даҳа қарама-қарши томони	0,15
3.	Олмалиқ шаҳри	Улуғбек кўчаси	0,5
4.	Чирчиқ шаҳри	4-кичик ноҳия	0,15
5.	Бекобод тумани	Зафар шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси	0,12
6.	Бўка тумани	Бўка шаҳри, М. Маҳмудова кўчаси	0,08
7.	Бўстонлиқ тумани	Газалкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси	0,08
8.	Зангиота тумани	Келес шаҳри, Озодлик кўчаси	0,08
9.	Оҳангарон тумани	Озодлик ҚФЙ, Ноғайқўрғон аҳоли пункти	0,1
10.	Оққўрғон тумани	Оққўрғон шаҳри, Охунбобоев кўчаси	0,15
11.	Паркент тумани	Чанги ҚФЙ, Чанги қишлоғи, «Олмазор» маҳалласи	0,5
12.	Пискент тумани	А. Темур кўчаси	0,3
13.	Чиноз тумани	Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси	0,06
14.	Юқори Чирчиқ тумани	Янгибозор қўрғони, «Иттифоқ» маҳалласи	1,0
15.	Янгийўл тумани	Гулбаҳор шаҳарчаси	0,08
16.	Ўрта Чирчиқ тумани	Қумовул ҚФЙ, «Қорақалпоқ» маҳалласи	0,3
17.	Қибрай тумани	Янгиобод ҚФЙ, «Алишеробод» маҳалласи, Уруғчилик кўчаси	0,063
18.	Қуйи Чирчиқ тумани	Кетмонтепа ҚФЙ, «Мингчинор» маҳалласи	0,08

Ушбу танловга қўйилган ер майдонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 февралдаги 45-сон қарори асосида тузилган Ер ажратиш комиссиясининг тасдиғидан ўтгандан сўнг реализация қилинади.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонладик. Яна саноқли кунлардан кейин Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини байрам қиламиз. Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллик қутлуғ санаси – Ватан ҳимоячилари куни ҳам тобора яқинлашмоқда.

Мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайли халқимиз ана шундай қутлуғ байрамларни, тўй-томошаларни шоду хуррамлик билан тантана қилмоқда. Хонадонларимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон, халқимиз улкан ютуқ ва марраларга эришмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, пухта тайёргарликка эга, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир миллий армиямиз шаклланди.

Айни кунда ҳарбийларимиз замонавий техникаларни моҳирона бошқариб, бу борада ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлаётир. Ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган Ватан ҳимоячилари ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитларда хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси соҳага, Ватан ҳимоячиларига қаратилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самараси, Қуролли Кучларимиз босқичма-босқич такомиллаштирилаётгани натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг миллий армиямизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли операцияларни олиб боришга тайёргарлиги мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини бузишга уринадиган ҳар қандай тажовузкор кучга зарба бериш қобилиятини юқори даражада ошириш имконини берди.

Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан юртимизда муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақирув жорий этилди. Ушбу фармон аскарларнинг хизматни сифатли ўташи, ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича дастурларни пухта ўзлаштириши, уларнинг замонавий ахборот технологияларига оид билимларини юксалтириши, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг чақирув йиғин, ҳарбий қисмларнинг ўқув пунктлари инфратузилмасини ривожлантиришда, моддий-техник ашёлар, тиббий ускуналар билан янада яхшироқ таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган "Энг илғор мутахассис", "Умумармия ўйинлари", "Энг яхши китобхон" каби мусобақа ва кўрик-танловлар ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати ва жанговар шайлигини ошириш баробарида истеъдодли ҳарбийларни аниқлаш ва рағбатлантириш, улар ўртасида миллий қадриятларни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётир.

Ҳарбий қисм ва билим юртларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларининг янада такомиллаштирилгани, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида турли тадбир ва давра суҳбатларининг мунтазам ташкил этилаётгани ҳарбийларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Харбий таълим соҳасидаги ўзгаришлар

Миллий армиямизда рўй берган ўзгариш ва янгиланишларни истиқлол йилларида ҳарбий таълим тизимида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Илгари юртимиздаги мавжуд олий ҳарбий билим юртларида бармоқ билан санарли мутахассислик йўналишлари бўйича ўқитиларди. Бугунги кунда Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Миллий истиқлол ғоялари асосида ташкил этилаётган ўқув жараёнларида ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция усуллари ҳамда ўқитишнинг янги методларидан кенг фойдаланилмоқда. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқаришга қодир профессионал сержантларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълим муассасаларидаги олий ва малака ошириш курслари ҳамда услубий марказларда ҳарбийларимиз ўз билим ва тажрибасини бойитмоқда.

Ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш ва ёшларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган тегишли ҳужжатга асосан олий ҳарбий билим юртларига ўқишга қабул қилишнинг ўзгартирилган муддатлари белгиланди. Унга кўра, абитуриентларнинг ҳар йилги тест синовлари 10 июлда ўтказилмоқда ва унинг жавоблари 15 июлда эълон қилинмоқда. Бу тест синовида етарлича балл тўплай олмаган йигитларга бир қатор ҳарбий таълим муассасалари, жумладан, Қуролли Кучлар академияси, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетида махсус факультет ҳамда ҳарбий округларда сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Айни чоғда мавжуд таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, қа олий ўқув юртларига ҳужжат топшириши учун имконият яратмоқда.

Ёшларни армияга тайёрлаш ва чақирув такомиллашмоқда

Замонавий профессионал армияни шакллантиришнинг энг муҳим мезонларидан бири – ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва улар орасидан энг муносибларини танлаб олишдир.

Мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежларида чақирувгача бошланғич тайёргарлик дарслари ўтказилаётгани, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг жойлардаги мактабларида чақирилувчиларга ҳайдовчилик, чавандозлик каби ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича таълим берилаётгани ва бошқа кўрилаётган чора-тадбирлар Қуролли Кучларимиз шахсий таркибини ҳарбий хизмат ҳақида етарлича билим, тасаввур ва кўникмага, муайян касбга эга бўлган ёшлар билан тўлдириш имконини бераётир.

Йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини янада яхшилаш, жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари фаолиятини талаб даражасига етказиш ва уларни жиҳозлаш, чақирилувчиларнинг оилавий шароити, хизматга тайёргарлигини ўрганиш ҳамда йигитларни сифатли тиббий кўрик, холис синов ва танловлардан ўтказишга катта эътибор қаратилаётгани натижасида чақирув билан боғлиқ ишлар сифати ва самарадорлиги ошди. Чақирув комиссиялари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларининг вакиллари киритилгани фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга саралаб олиш учун ўтказилаётган танловларда ошкоралик тамойиллари ва самарали жамоатчилик назоратини таъминламоқда.

Бир пайтлар ота-оналар ўғлини, қандай йўллар билан бўлмасин, армиядан олиб қолишга уринган бўлса, бугун улар фарзандларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташини чин дилдан истамоқда. Чунки бугун армиямизда соғлом муҳит, аскарлар учун замонавий шарт-шароитлар яратилган, уларга турли имтиёзлар берилган.

Йигитларнинг хизматга келишдан олдин жиддий тайёргарлик кўргани ҳозирги кунда ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарларнинг ҳарбий тартиб-интизомга тез кўникишида, машғулотларни яхши ўзлаштиришида яққол намоён бўлмоқда.

Собиқ аскар – фаол талаба ва илғор ишчи

Муддатли ҳарбий хизматдан билим ва тафаккури бойиб, чиниқиб қайтаётган йигитлар турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Бу миллий армиямиз ёшларни баркамол инсон сифатида вояга етказадиган том маънодаги ҳаёт мактабига айланганидан далолат беради. Энг асосийси, йигитлар хизматдан аниқ мақсад ва режалар билан қайтмоқда, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Ўз ҳарбий бурчини намунали ўтаб, қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун белгиланган тартибда имтиёзлар берилаётгани ёшларнинг интилувчанлиги ва фаоллигини оширишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлаётир. Ўтган йиллар мобайнида ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган минглаб ёшлар юртимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

– Президентимиз қарорига асосан берилган тавсиянома ушбу нуфузли университетга ўқишга киришимга ёрдам берди, – дейди 2010 йилда Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари факультети талабалари сафига қўшилган хатирчилик Равшан Роббиев. – Бундай ғамхўрликка жавобан бор куч-ғайратимни астойдил ўқиб-изланишга сарфламоқдаман. Ниятим келажакда ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиш ва мамлакатимиз илм-фани ривожига ҳисса қўшишдир.

Таъкидлаш жоизки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва қўмондонлик тавсияномасига сазовор бўлиб, тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган, ўқиш даврида ушбу ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этаётган талабаларга контракт суммасининг 35 фоизини тўламоқда.

Мамлакатимизда ёшларни, армия хизматини ўтаб қайтган йигитларни иш билан таъминлаш масаласи изчил ҳал этилмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида республикамизда 815,5 минг иш ўрни яратилган бўлса, унинг салмоқли қисмига ёшлар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар жойлаштирилди.

– Корхонамизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўнга яқин йигит ишламоқда, – дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги "Rezalit color" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Авазбек Каримов. – Ҳар қандай ишни вақтида, сифатли уддалайдиган, меҳнатга ҳарбийча иштиёқ ва масъулият билан ёндашадиган бу йигитлар интилувчанлиги, хушмуомаласи ва одоби билан кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида захирага бўшатилган аскарларга кўплаб иш ўринлари таклиф этилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар доирасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фарзандларимизни, элюртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ўғлонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий армиямиз сафлари эса ана шу эътибор ва ғамхўрликни, мустақилликни, тинчликни қадрлайдиган, мард ва жасур, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган йигитлар ҳисобидан кенгаймоқда. Зеро, бундай хислатларга эга Ватан ҳимоячилари халқимизнинг тинч ҳаёти, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ишончли кафолатидир.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда).

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.
Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА)
олган суратлар.

ЯНГИЙЎЛ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ
вилоят аҳолисини
мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги
билан муборакбод этади!
Инсоннинг энг катта бойлиги бўлган саломатлик Сизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!

БЕКОБОД ШАҲАР ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ
вилоятимизнинг меҳнатсевар ва бағрикенг халқини
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ
19 йиллиги
билан самимий қутлайди!
Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга бахт-саодат, хонадонингизга шоду хуррамлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ Тошкент филиали жамоаси

Бутун Ўзбекистон халқини

мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллиги

билан чин дилдан қутлайди!

Барчамизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эл-юрт равнақи йўлидаги фаолиятимизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Олмалиқ шаҳридаги «AMMOFOS-MAKSAM» ОАЖ

ВОҲАМИЗ АҲЛИНИ БОШ ҚОМУСИМИЗ – КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ 19 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

БОШ ҚОМУСИМИЗДА ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУЖАССАМЛАШГАН. ЗЕРО, КОНСТИТУЦИЯНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ, АМАЛИЁТДА УНДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ГАРОВИДИР.

УШБУ МУАЗЗАМ КУНЛАРДА ХОНАДОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА, ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ВА ИШЛАРИНГИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

«МАТБУОТ ДАВРИЙ НАШРЛАРИ» масъулияти чекланган жамияти



вилоятимиз меҳнаткашларини 8 декабрь – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ муносабати билан табриклайди!

Миллий қадриятларимиз тикланган тинч ва фаровон замонда яшаш бахтига муяссар бўлаётган барча юртдошларимизга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз. Байрам барчангизга қутлуғ бўлсин!

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ЭШКАКЧИЛАРИМИЗ ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш ҳар бир спортчининг орзусидир. Бугун мамлакатимизнинг етакчи спортчилари 2012 йили Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Rowing and canoe" федерацияси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани эшкак эшувчи спортчиларимизнинг Лондон Олимпиадасига тайёргарлиги ва 2013 йили мамлакатимиз мезбонлик қиладиган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасидаги Осиё чемпионати ҳамда академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар иштирокида қитъа биринчилигига кўраётган ҳозирлиги масалаларига бағишланди.

Тадбирда мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, навқирон авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонаётгани алоҳида таъкидланди.

Юртимиз спортчиларининг Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори ҳамда мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастур муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонлик эшкак эшувчилардан олимпия йўлланмасини биринчи бўлиб, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков қўлга киритди. Моҳир спортчимиз шу йилнинг август ойида Венгриянинг Сегед шаҳридаги жаҳон чемпионатида 1000 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича учинчи ўринни эгаллаб, Лондон Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек, Вадим Меньков Халқаро каноэ федерацияси (ICF) томонидан кетма-кет учинчи маротаба жаҳоннинг "Энг яхши каноэчиси", деб эътироф этилди.

– Шоҳсупанинг юқори поғоналарида турган ҳар бир спортчи ўз ғалабаси шарафига давлат байроғи кўтарилганда, давлат мадҳияси янграганда қалби чексиз фахр ва ифтихорга тўлади, – дейди дунёнинг энг кучли каноэчиси Вадим Меньков. – Ана шу дақиқалар сурури бизни жаҳон спортида янгидан-янги чўққиларни забт этишга ундайди. Ҳозир бор эътиборимни 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, мамлакатимизга олтин медаль олиб келишга қаратганман.

Яна бир тажрибали спортчимиз Юлия Борзова ўтган ойда Эронда ташкил этилган Осиё чемпионатида 500 метрга байдаркада эшкак эшиш бўйича яккаликлар ўртасида бронза медаль ва олимпия йўлланмасини қўлга киритди. Ўз фаолияти давомида жаҳон кубоги, Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатлари каби мусобақаларда кўп маротаба ғолиб ва совриндор бўлган Юлия ҳам бўлажак Олимпиадага пухта тайёрланмоқда.

Ўзбекистонлик эшкак эшувчилар учун Олимпия ўйинларининг саралаш мусобақалари давом этаётир. Слаломда эшкак эшиш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари жорий йилнинг 15-18 декабрь кунлари Хитойда ўтказиладиган Осиё чемпионатида олимпия лицензиясини қўлга киритиш учун курашади. Академик эшкак эшувчилар эса Лондон Олимпиадасига бориш учун келаси йилнинг 25-30 апрель кунлари Жанубий Кореяда ташкил этиладиган қитъа чемпионатида муваффақиятли қатнашиши лозим.

Осиё каноэ конфедерацияси, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор, юртимизнинг йирик спорт анжуманларини ташкил этишдаги бой тажрибаси ва спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ютуқлари салмоғи ошиб бораётганини инобатга олиб, 2013 йили байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасидаги Осиё чемпионати ҳамда академик эшкак эшиш бўйича қитъа биринчилигини Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Мазкур нуфузли мусобақага мезбонлик қиладиган Самарқанд шаҳридаги эшкак эшиш канали айни пайтда тубдан реконструкция қилинмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАРИНАНИНГ ОЛТИ ОЛТИН МЕДАЛИ

ОҒИР АТЛЕТИКА

"Ўзбекистон" спорт мажмуида оғир атлетика бўйича бўлиб ўтган клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ва Осиё Кубоги мусобақасининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақанинг вазни 48 килограммгача бўлган хотин-қизлар баҳсида ҳамюртимиз Марина Сисоева уч олтин медални қўлга киритди. Истеъдодли спортчимиз штангани даст кўтаришда 75 килограмм, силтаб кўтаришда 95 килограмм, иккикураш бўйича 170 килограмм натижа кўрсатди.

Дилфуза Бакирова, Манзура Мамасолиева, Елена Сисоева, Нафиса Асқарова ва Дилафрўз Кандагарова ҳам ўз вазн тоифасида штангани даст ва силтаб кўтариш ҳамда иккикураш баҳсларида энг юқори кўрсаткичларни қайд этди. Нафиса Умарова, Юлдуз Сўфиддинова, Бибиойша Бўриева, Азиза Диёрова ва Маҳлиё Тоғаева учтадан кумуш медални қўлга киритган бўлса, Лола Қодирова ва Нуржаҳон Ҳошимова учтадан бронза медалга эгалик қилди.

Шунингдек, туркманистонлик Кристина Шерметова ва Малика Керимова ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

"Истиқлол" санъат саройида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

Жисмоний имконияти чекланган ва ногирон спортчиларимиз 2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган XIV Паралимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январдаги қарорига мувофиқ, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан таэквондо (WTF) бўйича Деф-лимпия ўйинлари совриндори Даврон Хидиров "Йилнинг энг яхши спортчиси", енгил атлетика бўйича халқаро турнирлар ва 2010 йилги Параосиё ўйинлари совриндори Дониёр Солиев "Йилнинг энг ёш спортчиси" деб эълон қилинди.

ЎзА.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимларига танлов эълон қилади:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи	Қибрай тумани, Май қишлоғи
2	Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежи	Олмалиқ шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 25-уй
3	22-касб-ҳунар мактаби	Зангиота тумани, Боғзор қўрғони, Қорақулов кўч.
4	24-касб-ҳунар мактаби	Зангиота тумани, Боғзор қўрғони, Қорақулов кўч.

1. Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 18 январдаги 89Қ/Қ, 01/ҚҚ ва 01/ҚҚ-қарори билан ўзгартириш киритиб тасдиқланган, 2010 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-2-сон билан рўйхатга олинган юқорида баён этилган малака талабларига жавоб бериши керак.

2. Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман, (шаҳар) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассаса директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 3,5х4,5 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепсия)си;
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;
14. ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Корамурт кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 150-40-37, 777-23-90.

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» очик акциядорлик жамияти Тошкент вилояти ҳудудида электр энергияси истеъмолчилари учун ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ ташкил этилганлигини маълум қилади.

№	Корхоналар номи	Ишон телефонлари
1.	"TOSHKENT ET" ОАЖ	(8-371) 235-04-11
2.	Оққўрғон ТЭТК	(8-371) 150-26-60
3.	Олмалиқ ШЭТК	(8-371) 150-27-94
4.	Ангрен ШЭТК	(8-371) 150-34-39
5.	Оҳангарон ТЭТК	(8-371) 150-34-27
6.	Бекобод ШЭТК	(8-371) 150-34-40
7.	Бўка ТЭТК	(8-371) 150-34-29
8.	Бўстонлиқ ТЭТК	(8-371) 150-27-89
9.	Юқори Чирчиқ ТЭТК	(8-371) 150-34-23
10.	Қуйи Чирчиқ ТЭТК	(8-371) 150-27-83
11.	Зафар ТЭТК	(8-371) 150-34-31
12.	Зангиота ТЭТК	(8-371) 150-26-53
13.	Қибрай ТЭТК	(8-371) 150-27-81
14.	Паркент ТЭТК	(8-371) 150-34-18
15.	Пискент ТЭТК	(8-371) 150-34-19
16.	Ўрта Чирчиқ ТЭТК	(8-371) 150-27-84
17.	Чиноз ТЭТК	(8-371) 150-34-32
18.	Чирчиқ ШЭТК	(8-370) 716-57-12
19.	Янгийўл ТЭТК	(8-371) 150-26-54

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Янгийўл туман СИБ томонидан, ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2010 йил 20 декабрдаги 1-18596-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, Наврўз кўчаси, 2-уй манзилида жойлашаган, 3 та яшаш хонаси, деразали айвон, ертўла, ярим ертўла, 3 та бостирма, ёзги ва қишки ошхона, даҳлиз, айвон, ҳожатхона, ҳаммом, гараж, болахона, девор ва дарвозадан иборат тураржой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 31 000 000 сўм.

II. Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Оҳангарон туман СИБ томонидан, ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 2010 йил 14 декабрдаги 11316-сонли ижро варақасига асосан, Оҳангарон шаҳар, 4-кичик ноҳия ҳудудида жойлашган ошхона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 31 250 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 10 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки"нинг ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Лицензия: RR-0001.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, Оқ-овул қфй ҳудудидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Нуъмонхўжаева Насиба номига берилган АО № 445742 рақамли 11-синфни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "MEVAZOR SAVDO" Чиланзарского района (ИНН 300130749) сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "MEVAZOR SAVDO" с переходом всех прав и обязательств с ЧП "MEVAZOR SAVDO" к ООО "MEVAZOR SAVDO". Тел.: 216-00-43.

СП ООО "OLPLAST" сообщает об уменьшении уставного фонда с 10 523 311,36 (десять миллионов пятьсот двадцать три тысячи триста одиннадцать долларов тридцать шесть центов США) долларов США до 6 064 874,15 (шесть миллионов шестьдесят четыре тысячи восемьсот семьдесят четыре доллара пятьнадцать центов США) долларов США.

По интересующим вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, дом 18-Б. Тел./факс: 241-06-33, 120-69-75.

Утерянный гос. Ордер № 07-01/11891 от 22.08.2011 г. Права собственности на квартиру на имя Шарипова Туры Шукуровича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Юнусобод туманида рўйхатга олинган (СТИР 301846401) "MONTERREY ASIA FOOD" хусусий корхонаси ўз-ўзини тугатишини маълум қилади.

Маълумот учун тел.: 775-25-94, 277-34-18.

ООО "ALUWOOD", зарегистрированное в инспекции гос. регистрации субъектов предпринимательства Шайхантахурского района сообщает о преобразовании в Совместное предприятие "ALUWOOD" в форме общества с ограниченной ответственностью, ООО "ALUWOOD" в связи с преобразованием в СП ООО "ALUWOOD" приобретает статус предприятия с иностранными инвестициями.

ООО "Tezlizsrvise-ELS" (ИНН 206757796), зарегистрированное хокимиятом М. Улугбекского района г. Ташкента № 002246-04 от 14.08.2006г., расположенное по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, массив Буз, 69, сообщает об уменьшении уставного фонда с 83 315 000 (восемьдесят три миллиона триста пятьнадцать тысяч) сумм до 73 315 000 (семьдесят три миллиона триста пятьнадцать тысяч) сумм (решения учредителей № 08 от 02.11.2011г.).

В настоящее время кредиторов компания не имеет.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти)нинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.

1. Умумий шартлар:

Танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй) 2011 йилнинг 7 декабридан 2012 йилнинг 8 январига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача амалга оширилади.

1) 2012 йил 12 январь куни соат 15.00 дан 18.00 гача Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Паркент туманлари бўйича;

2) 2012 йил 13 май куни соат 15.00 дан 18.00 гача Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманлари бўйича;

3) 2012 йил 14 май куни соат 15.00 дан 18.00 гача Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Бўстонлиқ, Янгийўл, Зангиота туманлари бўйича танлов ўтказилиб, унинг натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари танлов белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси, назорат-касса машинаси ва терминаллар мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайдилар:

– қайта ташкил этиш тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

– олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;

– охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:

– истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги); мол-мулкнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутлашини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;

– мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;

– мавжуд яроқли техникаси;

– ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

– Комиссия номига ариза;

– давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

– савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йил учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси.

Савдо ташкилотида назорат-касса машинаси ва терминалларнинг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлар (жойининг атрофи, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ҳажмдаги рангли фотосуратлар (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

– талабгорнинг мажбуриятларидан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиш мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

– кўрсатилган хизмат учун чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади. Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади. Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:

ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-50-65 Комиссия ишчи органи – ҳудудий бошқармасининг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2012 йил 8 январь кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов"га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошидан назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш Комиссияси.

Миробод тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2010 йил 4 январда 004301-03 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "TEPARTS TEKSTIL TEXNIK" хорижий корхонаси (СТИР 301018189) муассисларнинг 2011 йил 30 нобрдаги умумий йиғилиши қарорига асосан ихтиёрий равишгда тугатилаётганини ва кредиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26-уйда қабул қилинишини маълум қилади.

"MEDIGAM" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 141 593 835 сўмдан 4 125 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган (СТИР 205888627) "YAKKASAROY AGRO INVEST" МЧЖ устав фонди миқдорини 61.470.000 сўмдан 56 000 000 сўм миқдоригача камаяётганлигини маълум қилади.

Маълумот учун тел.: 316-66-77.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси таҳририятнинг бўлим муҳаррири Жўра Саъдуллаевга опаси

Гулсуной ая ЗУФАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги байрами арафасида бир қатор янги корхона ва хизмат кўрсатиш муассасалари фойдаланишга топширилди. Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласида иш бошлаган янги гузар шулардан бири бўлди.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида барча тадбиркорлар қатори бизнинг ҳудудимиздаги ишбилармонларга ҳам катта имкониятлар эшиги очилди, – деди Ўзбекистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматилла Олимов. – Конституциямиз куни арафасида иш бошлаган янги маҳалла гузари ҳам тадбиркор Қурбон Шариповнинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилди. Гузарда маҳалла қўмитасининг янги идораси, милиция таянч пункти билан бирга миллий таомлар ошхонаси, минимаркет ва озиқ-овқат дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда ёшлар хиёбони жой олган.

Эндиликда маҳалла аҳли ўзлари учун зарур нарсаларни харид қилишлари, хизматлардан фойдаланишлари ва мириқиб дам олишлари мумкин. Энг муҳими, 30 га яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Шаҳар фаолларининг ташаббуси билан "Ўзбекистон металлургия комбинати" ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида икки гектар майдонда яратилган истироҳат боғи ҳам бекободликларга ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. Бу майдонга янги дарахт кўчатлари ўтқазиш билан бирга учта фаввора, етмишга яқин ўриндиқлар, савдо расталари ва шийпончалар қурилди. Шу тариқа бу майдон эндиликда металлурглар, шаҳарлик ёшлар ва кексаларнинг ҳордиқ чиқарадиган севимли масканига айланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ТОШКЕНТДА ФИЛЬМЛАР ҲАФТАЛИГИ

7-11 декабрь кунлари пойтахтимизнинг Radisson SAS меҳмонхонасида турк фильмлари ҳафталиги ўтказилади. Унда турк кинематографлари томонидан яратилган 5 та кинофильм намойиш этилади.

Ўзбекистондаги Туркия элчихонасидан олинган маълумотларга кўра, ҳафталик давомида тақдим этиладиган фильмлар томошабинлар қизиқишларини инобатга олган ҳолда танлаб олинган.

Бундай тадбирлар, дейилади ахборотда, турли миллат маданиятларини ўзаро таништириш ва яқинлаштириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кино ҳафталигида намойиш этиладиган барча фильмлар ўзбек тилига таржима қилинган, киноларга кириш бепул, намойишлар соат 19.30 да бошланади.

Турк фильмлари ҳафталиги "Пианиночи қиз" фильми билан бошланади. Шунингдек, томошабинлар эътиборига турк ижодкорларининг "Эшитаман, ўртоқ командир!", "Жаннат орзусида", "Кадри айтган жойга кет" ва "120" деб номланган картиналар ҳавола этилади.

"Туркистон-пресс".

XXI аср ва ДУНЁ

БОШ ВАЗИР ҲАҚ ОЛМАЙ ИШЛАМОҚЧИ

Италиянинг янги бош вазири Марио Монти ҳукуматнинг давлат қарзини қисқартириш ҳақидаги қарорини ҳамюртлари олдида оқлаш мақсадида иш ҳақидан воз кечишни ваъда қилди.

AFP агентлигининг маълум қилишича, "Биз итальянлардан фидойилик кўрсатишни илтимос қилмоқчи бўлаётган ҳозирги шароитда, ўз иш ҳақидан воз кечиш ягона тўғри ишдир" деди Монти. У сиёсий фаолият учун харажатларни камайтиришни ваъда қилган эди. Гап биринчи навбатда мамлакат музофотларида маъмурий аппаратларни қисқартириш ҳақида бораяпти.

Марио Монти иқтисодий таназзулни бартараф этишнинг асосий йўлларини миллатга маълум қилар экан, мамлакат қарзларини жиловлашни ваъда қилди. Ҳозир Италиянинг давлат қарзи 1,9 триллион еврога тенг. Бу мамлакат ички ялпи маҳсулотига нисбатан 120 фоиздир.

Бош вазир тақдим этган чорага мувофиқ бюджет харажатларини 30 миллиард еврога қисқартириш режасида солиқларни ошириш, аёл ва эркакларнинг пенсияга чиқиш муддатини 66 ёш қилиб белгилаш, шунингдек, пенсияларни индексациялашни бутунлай бекор қилиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Италия ҳукумати 2010 йилнинг кузига бориб мулк, зеб-зийнат солиқларини ошириш ҳамда қўшимча қиймат солиғини кўтаришни мўлжалламоқда. Касаба уюшмалари бундай чораларга қарши чиқмоқда. Бироқ, ҳукуматни бу йўлдан қайтара олиши гумон. Чунки, Италия Европа Иттифоқи давлатларининг босими остида.

БРАЗИЛИЯДА ДАҲШАТЛИ АВТОҲАЛОКАТ

Associated Press тарқатган хабарга кўра, Бразилиянинг Баия штатида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 33 киши ҳалок бўлди, 13 киши жароҳатланди.

Маҳаллий ҳукумат берган маълумотларда таъкидланишича, юк автомашинаси ҳайдовчиси тоғли йўлда рулни бошқаролмай қолгани оқибатида шакарқамиш майдонидан ишчи-хизматчиларни олиб келаётган автобусга келиб урилган. Юк машинаси устидаги қурилиш материаллари ҳам автобуснинг устига ағдарилган.

Маълум қилинишича, юк машинаси ҳайдовчиси омон қолган. Автоҳалокат сабабларини ўрганишга киришилди.

НИГОҲ

ҚАШШОҚЛИККА МАҲКУМ ЭТИЛГАНЛАР

Тожикистонда бугунгидек оғир аҳволнинг юзага келиши аввалдан маълум эди

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мамлакат президенти Имомали Раҳмоннинг камида икки йиллик озиқ-овқат захирасини ғамлаб қўйиш ҳақида бир неча бор ўз халқига қилган мурожаатини эслаш кифоя.

Ҳозир республика аҳолисининг қарийб учдан икки қисми камбағаллик чегараси ортида яшаяпти. Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги таназзулга юз тутган. Меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ишсизлик учун пул топиб келиш мақсадида бегона юртларга кетган.

Озиқ-овқатлар нархи кескин кўтарилиб, жамоат транспорти ва коммунал хизматлар тарифи қарийб икки баравар ошиб кетганлиги тожикистонликларни белбоғни янада тарангроқ тортишга мажбур қилаяпти. Бечора, белбоғ эса, аллақачон охиригача таранглашиб бўлган, у ёғига жой йўқ.

Нарх-наво кўтарилиб, аҳолининг харид қилиш қурби пасайиб боргани сари тўйиб овқат емаслик муаммоси кучайиб бораяпти. "Чалақурсоқлик оқибатида чақалоқларнинг бир ҳафталик бўлмай ёки оналарнинг туғиш пайтида ўлиши, шунингдек, гўдакларнинг ривожланишдан ортда қолиши ҳоллари йил бошидан кескин кўпайиб бораяпти" дея таъкидлади EurasiaNet.org орқали Душанбедаги 2-туғуруқхона врачи Саъдулло Назаров.

Экспертларнинг айтишича, Тожикистон хорижнинг импорт озиқ-овқат маҳсулотларига қарамликни камайтириб, асосий эътиборни қишлоқ хўжалик секторига қаратиши, кўпроқ ғалла, картошка ва бошқа сабзавотлар етиштириши керак. Аслида бу янги гап эмас. Тожикистон Фанлар академияси академиги Нуриддин Қаюмов инфляциянинг кутилаётган даражадан ошиб кетиши ҳақида ўтган йилдаёқ "Авесто"га берган интервьюсида огоҳлантирган эди. Унинг гапига қараганда, мамлакатнинг аграр сектори маблағ жиҳатидан давлат ёрдамига муҳтож. "Аввало, фермерларга имтиёзли кредитлар бериш ҳақида сўз бораяпти" дейди академик.

Аммо, доно халқ айтганидек, чумчуққа қарата замбаракдан ўқ отилмайди. Илгари мамлакат президенти нутқ ирод этиб, маҳаллий фермерларни сабзавот маҳсулотлари нархини оширганлари учун бироз танқид қилиб ўтганди: "Ўтган йили биз лозим даражада ишламаганимиз ва ҳамма вазифа ва кўрсатмаларни вақтида бажармаганимиз учун нархнаво ошиб бораяпти".

Шуниси қизиқки, давлат раҳбари ўз нутқида қишлоқ меҳнаткашлари устида муаллақ турган барча муаммоларни четлаб ўтди. Бу тушунарли, албатта – энг яхши ҳимоя – бу ҳужум. Лекин, шўрлик фермерлар нима қилишсин? Масалан, пойтахт яқинидаги Хисор тумани фермери Ҳайитали Бўриев ўз тасарруфидаги 24 гектар ерда буғдой етиштиради.

– Уруғлик дон, ёнилғи, ўғит ва бошқа саъй-ҳаракатлар учун ҳозирнинг ўзида 6 минг доллар сарфлаб қўйдим, ҳосил учун кураш мавсуми эса энди бошланди, – дейди фермер. – Ҳали солиқ тўлашим, амалдорларга пора беришим керак. Бўлмаса, хўжалигимизни текшириш учун турли баҳоналарни ўйлаб топишади. Мен бу аҳволда ўз маҳсулотларимни арзонга сотолмайман. Банкдан 2 минг доллар қарз олдим, энди уни 3 минг доллар қилиб қайтаришим керак. Кредитни олиш учун уйим, тракторим ва электрогенераторимни гаровга қўйганман. Бу мол-мулкларимни бой беришим ҳеч гап эмас. Ўғлимни пул ишлаб келиш учун Россияга жўнатдим. Ахир, банк кредитини фоизи билан қайтаришимиз керак-ку!

Бўриевнинг айтишича, ҳукумат қишлоқ хўжалик секторини рағбатлантириши, бунинг учун солиқларни қисқартириши, имтиёзли кредитлар бериши, маҳсулотларни тўғридан-тўғри бозорларда сотиш имкониятларини кенгайтириши зарур. "Бизнинг туманда 700-1000 гектар бўш ер бор, – дейди у. – Лекин, ҳеч ким бу ерда ишлашни хоҳламаяпти. Сабаби – фермерлик яхши фойда келтирмаяпти".

Президент Имомали Раҳмоннинг бўш ерлардан қандай фойдаланиш масаласида шахсий ғояси бор. Бу – сувга чўкаётган одам ўзини ўзи қутқарсин дегани.

Wikileaks сайти шундай таъкидлайди: "Раҳмон ва унинг оиласи мамлакатдаги энг йирик корхоналар, шу жумладан, банкни бошқаради ва мамлакат иқтисодиёти зарарларига эътибор ҳам бермай, ўзининг амалий манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилади". Қуйидаги кўчирма эса янада қизиқ: "Раҳмон юз бакс турадиган пирогнинг учдан биридан кўра, ўн баксли пирогнинг 90 фоизини олишни маъқул кўради".

Талько айнан шу сабаб миллиард доллар йўқотди ва бу маблағлар президентнинг оффшор ҳисоб рақамларига тушди. Шу билан бир вақтда каттагина ташқи қарз, юксак даражадаги инфляция...

Ҳабиб ДАМДОРОВ.
www.centrasia.ru.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

ТИКАНЛИ... БАХТ

Ҳеч бир ота-она фарзанд доғини кўрмасин экан. Фотиманинг ўлимидан кейин Мунаввар опанинг юзлари сўлиб, кўзлари киртайиб қолди. Тоғдек Зуфар аканинг қадди букилди. Ахир осонми, Фотима эндигина 21 баҳорни қаршилаган эди. Дунёга тўймай, орзуларига қонмай, турмуш ўртоғи Дилшоджонни еру кўкка ишонмай, қизалоғи Мадинабонунинг бийрон-бийрон гапираётганини эшитмай, бу ҳаётдан кўз юмди, бечора.

Фотима яхши хонадонга келин бўлиб тушди. Синашта кишилар билан қуда тутинган Мунаввар опанинг қизидан кўнгли тўқ, Зуҳрани ҳам шундай оилага узатсам дерди. Нима ҳам бўлди-ю, Фотима туққанидан кейин ўнгланмади. Сал тузалиб оёққа турганида ҳамма уни бу дардни енгди, деб ишонганди. Бироқ...

Фарзандидан айрилган онаизор нега бундай бўлганини билолмай бир куюнса, ўғлидек бўлиб қолган Дилшоджоннинг, набираси Мадинабонунинг тақдирини ўйлаб, ич-этини ейди. Фотимага икки томчи сувдек ўхшайдиган Зуҳрани ҳар кўрганда бир этдан тушади. Тунов куни Мадинабону Зуҳранинг бағрига отилиб, "ойижоним"лаб ҳаммани йиғлатди. Аввалари Зуҳра жиянига: "Мен сенинг ойингман" деб, кичкинтойни чалғитар ва бу ҳазилидан яйраб қувонарди. Энди эса Мадинабонунинг кўзига кўринишга ҳам юраги безиллаб қолди. Ахир, мурғак гўдакка ўзини эгизак сингил эканини тушунтиришнинг иложи йўқ-ку!

Ҳар бир дарднинг давоси вақт дейдилар. Бироқ, фарзанд доғини кўрган ота-она учун айрилиқнинг давоси йўқ. Зуфар ака дардини ичига ютиб, куйганини кўрсатмасликка ҳаракат қилади. Бироқ, Мунаввар опа кунда бир неча бор дилбандини эслаб кўзига ёш олмаса ҳисобмас.

Тонгга яқин кўрган тушининг таъбирини ечишга ҳаракат қилган Мунаввар опа узоқ ўйланиб қолди. Тушида Фотима меҳмонхонага кўрпачалар тўшаб, қандайдир кечага тайёргарлик кўраётганмиш. Хонага узун сочларини ёйган кўйи Зуҳра кириб келди-ю, кўрпачанинг бир учини тортқилаётган Мадинабонуни даст кўтариб, бағрига босди...

Қизиқ, нега бундай туш кўрдим? Фотима нима демоқчи? Кўрпача ёзиш меҳмон келишидан дарак, дердилар. Ким келади?

Хаёлида чарх ураётган саволларга жавоб топаман деб кунни кеч қилган Мунаввар опа йўлакда қудаси билан набирасини кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Ақида опа қудаларимнинг кўнглига келмасин, яраси янгиланавермасин деб охирги пайтларда камнамо бўлиб қолганди. Бугун эса Мадинабону билан келгани қизиқ ҳол...

Икки қуда кўзларида ёш билан кўришдилар. Мадинабонуни бағридан қўймай, ўзимнинг ёдгорам деб кичкинтойнинг юз-кўзларидан ўпаётган Мунаввар опанинг чеҳрасидан набирасини суяётгани-ю, болам деб куяётганини англаш қийин эмасди...

– Вой, Бону келдими? – Ҳозиргина ўқишдан келган Зуҳра жиянини кўриб суюниб кетди.

Қизалоқ Зуҳрага бироз тикилиб турди-да, қўлидаги ўйинчоқни бир чеккага улоқтириб, йиғлаганча Зуҳранинг бағрига отилди. Мунаввар опа нима бўлганини тушуниб улгурмай, Зуҳранинг киприкларига ҳам ёш қўнди. Аммо Зуҳра айни дамда ўзидан кўра онасининг соғинчидан ичиккан, мурғак қалби билан айрилиқ азобини туйган кичкинтойга юпанч бўлиши керак эди.

Мунаввар опа меҳмонхонага кириб, қудасига Мадинабону Зуҳрани кўриб қолганини айтаркан яна йиғлаб юборди. Аммо бу учрашув Ақида опага ўз ташрифи сабаби ҳақида сўз очишига туртки бўлди...

Тақдирнинг беаёв синовларига дуч келган Мунаввар опа ўйлаб ўйига етолмасди. Зуфар ака ишдан келганда унга маслаҳат солган онаизор масаланинг икки томони ҳақида ўйлашлари лозимлигини уқтирди.

Бири – Зуҳрага оғиз солган Назира опа раъйини қайтармай, ўксик кўнгилларга малҳам бўлиш. Иккинчиси – ҳали ҳеч гапдан хабари бўлмай, келажак орзулари қанотида учиб юрган Зуҳранинг тақдирини болали эркак билан боғлаш.

Эртаси куни Мунаввар опадан кутилмаган гапни эшитган Зуҳра онасининг кўзларида, биз отанг иккимиз розимиз, сен-чи, деган саволни ўқиди.

Зуҳра кўп ўйлади. Болалигида Фотимадан ажралишни хоҳламайдиган Зуҳра ўзи нима еса, эгизагига ҳам шуни илинарди. Бир хил кийиш, бирга мактабга бориш, биргаликда ўйнаш, ҳатто, Фотима касал бўлиб қолса, ўзида ҳам ўзгариш сезиши Зуҳрага таниш бўлган манзара. Аммо...

Дам олиш куни бўлгани учун Зуҳра кечгача Мадинабону билан бирга бўлди. Мурғак гўдакка она кераклигини, бошқа аёл Фотиманинг ўрнини эгаллаганда ҳам кичкинтой уни қабул қилолмаслигини тушунди.

Кўчадан "дадам келдилар" деб югуриб кирган қизалоқ, отаси уни олиб кетгани келганини билиб, жажжигина сумкачасига ўйинчоқларини, ширинлигу, яна алланималарни сола бошлади. Шу оннинг ўзида муҳим нарса ёдига тушгандек, Зуҳранинг олдига чопқиллаб келиб, уни қўлларидан тортқилаб: "Юринг, ойижон, уйимизга кетамиз" деди.

Ҳовли ўртасида нима қилишни билмай туриб қолган Зуҳра кичкинтой истагига қарши чиқолмаслигини англаб, хаёлан унга эргашди. Остонада эса Дилшоджон турарди...

Аллома АЗИЗОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6569. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.50. 12345